

ФРАНЦУЗ МАЪРИФАТПАРВАРЛАРИНИНГ ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИГА ОИД ҚАРАШЛАРИ



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14544016>

Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли

Ренессанс таълим университети
“Ижтимоий-сиёсий фанлар” кафедраси доценти

Аннотация: Ижтимоий тараққиёт муаммоси ижтимоий фалсафанинг марказий муаммосидир. Бу муаммо жамиятни юксалиб борувчи ривожланишини тадқиқ қилувчи мутаффакирларни доимо тўлқинлантириб келган. Уибу мақолада ўзларининг кўп йиллик илмий изланишлари ва ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, ривожланиши ва тараққиёт муаммоларини ёритишга ҳаракат қилган француз маърифатпарварларининг жамият тараққиётига оид қарашлари тадқиқ этилган.

Калит сўзлар: А.Р. Тюрго, Ж.А. Кондорс, тараққиёт, ривожланиши, табиат, жамият, давлат, онг, табиий ҳуқуқ, ижтимоий тотувлик, ижтимоий турғунлик, ижтимоий ҳаракатчанлик, ижтимоий тараққиёт.

Жамият тараққиёти муаммоси ижтимоий фалсафанинг марказий муаммосидир. Бу муаммо жамиятни юксалиб борувчи ривожланишини тадқиқ қилувчи мутаффакирларни доимо қизиқтириб келган. Масалан, Тит Лукреций Кар ўзининг “Буюмлар табиати тўғрисида” достонида ибтидоий инсонлар тўғрисида шундай деб ёзган эди: “Инсонлар ҳали оловдан фойдаланишни билмас эди, ҳамда ёввойи ҳайвонлардан шилиб олинган терилар уларнинг жисмига кийим бўлиб хизмат қилмаган; улар бутазорларда, чангальзорларда ёки тоғлик жойлардаги ғорларда яшашган ва агар уларга ёмғир ёки шамол ҳамла қиласа буталар орасига яшириниб ўзларини ҳимоя қилишган”¹. Тарихнинг ҳамиша илгарилама ва чизиқли ҳаракати маносидаги “прогресс” ғояси ижтимоий муносабатлар соҳасига XVIII аср охирларида Ғарб марифатпарварлари А.Р. Тюрго, Ж.А. Кондорслар томонидан тадбиқ этилди ва кейинчалик марксча талимотда олдинга сурилган. Тафаккурнинг тантанаси ғояси инсоният ижтимоий тараққиётининг мазмуни сифатида Гегель томонидан ҳам асосланган. Қуйида биз ғарб олимларининг қарашларини тадқиқ қиласиз.

Ижтимоий тараққиёт муаммосига Янги замонда алоҳида эътибор қаратила бошлади, бу даврда чексиз тараққиёт ғоясини илгари сурган

¹Социальная философия. Под ред. Гобозова И.А. 2003 С. 332

буржуазия тарих майдонида асосий ўринни эгаллади. Француз социологи ва иқтисодчиси Анн Робер Жак Тюрго тарихни инсон зотининг муваффақиятли ҳаракатлари изчилиги сифатида кўриб чиқади. У ўз асарларида инсоният тарихининг бошланишини шаҳарлар вужудга келиши ҳукуматларнинг яратилиши тилларнинг шаклланиши, фан ютуқлари ва бошқаларни таъкидлаган. Тюргонинг таъкидлашига кўра, хатто урушлар, тўнтаришлар ва бошқа қийинчиликлар инсониятга юксалиб борувчи йўналишда ривожланиб боришида тўскенилик қила олмайди, чунки тараққиёт узлуксиз тусга эга. Жамиятнинг вужудга келиши тўғрисидаги масалани тадқиқ қилган ҳолда француз олими дастлаб инсонлар ер куррасини макон қилган ва сўнгра фанлар билан шуғулдана бошлаган. Бу эса инсон онгининг такомиллашувига имкон яратган. Унинг нуқтаи назарига кўра, тараққиётнинг нотекислиги айrim ҳалқларда фанлар ва санъат бошқа ҳалқларга нисбатан жадалроқ ривожланиши билан изоҳланади. Масалан, у Қадимги Юнонистон тарихининг кенг тасвирини беради ҳамда бу мамлакатнинг фан, фалсафа ва санъат соҳасидаги ютуқларидан ўзининг ҳайратга тушганини ифодалайди, бироқ Рим салтанати тўғрисида у салбий фикрларни баён қиласиди ҳамда унда ҳеч қандай тараққиётни кўрмайди ва буни бу давлатдаги ҳукмдорлар золим бўлганликларини ҳамда инсон онгини ривожлантириш тўғрисида қайғурмаганлиги билан изоҳлайди. Тюрго Янги замонни фалсафа фанларининг тарихида бўлмаган гуллаб–яшнаши сифатида таърифлайди. Ньютон, Декарт ва бошқа олимлар физика, математикани янги мазмун билан тўлдириган ҳолда илгари сурдилар. Бу борада Тюрго бундай деб ёзади: “Декарт табиатни унга кенг назар ташлаган инсон сифатида кўриб чиқади”, уни буткул қамраб олади ва қуш парвози баландлигидан табиатнинг режасини тузади. Ньютон табиатни янада батафсилроқ тадқиқ қиласиди. У бошқа инсон кашф қилган мамлакат тўғрисида ёзади”².

Тюргонинг фикрига кўра, маърифат ва фан ёрдамида ривожланадиган инсон онгининг тараққиёти ижтимоий тараққиётга олиб боради. Тюрго ўз ишларида ижтимоий тараққиётнинг ижтимоий жиҳатлар билан қизиқмаган. Бу эса тараққиёт тушунчасини анча торайтириб қўйган. Ж.А. Кондорснинг тарихий жараён даврлари А.Р. Тюргоникига ўхшашиб. Бу француз олими Тюрго фикрларини давом эттирган ҳолда инсоний рух – бу “тарихий ривожланишнинг буюк ҳаракатлантирувчи кучи” деб ҳисоблаган³.

У ўзининг машхур “инсон онги тараққиётининг тарихий тасвири чизмалари” асарида тарихий жараённи ўн даврга бўлади ва ҳар бирини тегишли тарзда тарифлайди. Ҳар бир давр – бу жамият тараққиётининг олдинги

²Тюрго А.Р. Избр. филос. произв. М., 1937. С. 115.

³Плеханов Г.В. Избр. .филос. произв. М., 1956. Т. 11. С. 153.

босқичига нисбатан илгор босқичидир, деб ҳисоблайди. Кондорснинг фикрига кўра, биринчи давр – бу инсонларнинг ибтидоий ҳолати бўлиб, бу даврда инсонлар бир қанча оиласаларнинг бирлашишидан шакланган қабилаларга бирлашиб яшашган. Иккинчи даврга ўтиш чорвачиликдан дехқончиликка ўтиш билан якунланди. Бу инсониятнинг илгор қадами эди, чунки дехқончилик Кондорснинг фикрига кўра, кишиларга ўз ҳаётларини бир мунча хотиржам ва қўнгилли қилишга имкон берадиган бир қадар осоиишта меҳнатдир. Бундан ташқари “хунармандчилик” соҳасида ҳам муайян тараққиёт юз берди; кишилар уй ҳайвонларни боқиши санъатида муайян билимларни қўлга киритдилар, уларни қўпайтиришни ҳатто зотини такомиллаштиришни ўрганиб олдилар”⁴. Кондорснинг учинчи даври ижтимоий тараққиётга имконият яратган меҳнат тақсимоти билан хусусиятланади. “Чунки инсон ишлаб чиқаришда катта мукаммаликка эришди. Эндиликда у камгина нарсалар билан қўпгина нарса ишлаб чиқаришга ўрганди...”⁵.

Ерга айрим инсонлар ишлов берган, дехқончилик асбоб-ускуналарини бошқалар тайёрлаган, чорвачилик билан яна бошқалар, уй хўжалиги билан ҳам алоҳида инсонлар шуғулланган. Шу тарзда қурилишнинг давлат шакли вужудга келади. Мулкчилар, қуллар ва хизматкорлар синфлари пайдо бўлди. Тиббиёт, астрономия ва кўплаб бошқа фанлар ривожланди. Тўртинчи ва бешинчи даврни Кондорсе Қадимги Юнонистон ва Қадимги Рим билан боғлади. Кондорснинг фикрига кўра, Қадимги Юнонистон маданияти бўш жойда пайдо бўлмаган, шунингдек билимларнинг айрим қисмини, хунармандчилик, дин ва ёзувни Шарқ ҳалқларидан ўрганган. Ўзининг кўплаб замондошларидан фарқли ўлароқ, Кондорс жаҳон тарихи ягона ҳамда турли мамлакатларнинг ҳалқлари бир-бирлари билан ўзаро боғлиқ ва бир-бириларига ўзаро таъсир кўрсатади деб ҳисоблаган, Кондорс Юнон фалсафасини, санъати ва маънавий ҳаётини яхши билан ва ўз асарида Юнонистон санъат, фалсафа, оиласавий муносабатлар, сиёсий тузум, қонунчилик ва хоказо соҳаларда эришган барча ютуқларни баён қилган. Кондорс қадимги Рим тарихини таҳлилқилган ҳолда Рим бошқа мамлакатларга катта таъсир ўтказганлиги борасидаги хуносага келади. “Рим шаҳри ўз хукмронлигини деярли барча миллатларга тарқатди. Бу ерларда Ҳиндистон ва Хитойни мустасно этганда инсон онги ўзининг нотавон гўдак холидан, юқори кўтарилди”⁶.

Бироқ Рим салтанатининг ўзи маданиятни Юнонлардан олган. Фан, санъат ҳамда Рим файласуфларининг асарлари Юнон руҳи билан йўғрилгандир.

⁴Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума, М., 1936. С. 24.

⁵Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума, М., 1936. С. 34

⁶Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. С. 84

Кондорс ҳам Тюрго сингари инсоний тараққиёт фанлар ва фалсафанинг ривожланишига имкон яратмаган қадимги Римнинг зулмкор тартиботига салбий муносабатда бўлади. Олтинчи ва еттинчи даврлар – бу Ўрта аср давридир. Тараққиёт чўққисига кўтарилган ҳолда инсоний онг ушбу чўққидан жадал пастлай бошлади. Барча жойда ёввойилик ва бесаводлик хукмон бўлди. “Диний алдовлар ва турли-туман олди қочди фикрлар хукмон бўлиб қолди. Европа буткул қон ва кўз ёшлари ичидаги қолди. Диннинг зулми ва ҳарбий ёвуздик остида эзилди...”⁷. Ёввойилар томонидан Рим салтанатининг эгалланиши барча жойда хукмон бўлган христиан дини ўз ортида фанлар, санъат ва фалсафанинг ривожланиши ва такомиллашувини тўхташини эргаштириб келди. Бироқ Рим салтанати қулаши билан қуллик ҳам йўқолди. Буни Кондорс илғор қадам ва инсон зоти тақдиридаги тўнтариш деб ҳисоблайди...⁸, бундай инсон ҳақиқий эркинликни билиш имкониятини қўлга киритди, бироқ у қулнинг ахволи қул дехқондан катта фарқланмаслигини тушунади. Чунки буларнинг ҳар иккаласи ҳам ўз хўжайинига тобеъдир. Кондорсе Ўрта аср даврининг охирида яна фанлар ривожлана бошлади, чунки инсоний онг янги қудратга эга бўлади деб ҳисоблайди. Ўша замондаги энг оқил кишилар томонидан чидамаслик ва золимликка қарши уруш эълон қилинди. Руҳонийлар гарчи тараққиётни тўхташига уринсаларда, бироқ унга халал бера олмай қолдилар ва онг ниҳоят яна ғалаба қилди. Саккизинчи давр – фанлар ва китоб нашр қилиниши давридир. Бу ерда Кондорс Уйғониш даврини назарда тутади. Бу даврда ҳаётнинг кўплаб соҳаларида жадал тараққиёт юз берди. “Фанларнинг ривожланиши жадал ва ажойиб тарзда кечди”⁹. Коперник астрономияда буюк кашфиётлар қилди, Галилей жисмларинг тушиш қонунини очди. Алгоритмлар кашф қилинганлиги сабабли алгоритм такомиллашди ва математик ҳисоблар соддалашди. Кондорс тўққизинчи даврни Декартдан бошлаб француз инқилоби шакллнаши билан ниҳоясига етган, деб ҳисоблайди. Фалсафанинг тараққиёти ўз ортидан инсонлар тенглик ғояси шаклланишини эргаштириб келди. Декарт, Локк, Лейбниц, Вольтер сингари мутаффакирларнинг ишлари фалсафа ва ижтимоий назария ривожланишида улкан рол ўйнади. Ўша замондаги фалсафа Францияни бутун ижтимоий ҳаётини қамраб олган Француз Инқилобини етакчисига айланди. Инқилоб туфайли ижтимоий муносабатлар ўзгарди ҳамда француз жамияти ўзгара бошлади. Ўнинчи даврда Кондорс инсоний тараққиётнинг келажагини кўради. У ижтимоий ҳаётнинг яхшиланиши кишилар ўртасидаги нотенгликни

⁷Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. С. 100 – 101

⁸Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. С. 116

⁹Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. С. 148

йўқотишга боғлиқ деб ҳисоблайди. Унинг жаҳондаги барча халқлар тараққиёт йўлига ўтишини бир мунча қолоқ халқлар тамаддун неъматларини бошқа халқлардан тайёр кўринишида олишини ва бу уларнинг ривожланишини енгиллаштиришига ишончи комил эди. Шундай кун келадики, “бунда қуёш ўз онгидан бошқа хўжайнинни танимайдиган, фақат эркин кишилар макон тутган ерни ёритади, бунда золимлар ва қуллар, руҳонийлар ва бошқа аҳмоқ иккиюзламачи воситалар фақат тарихда ва театр саҳналарида учрайдиган бўлади”¹⁰. Жамиятнинг келажаги Кондорснинг фикрига кўра бу унинг ўзи ашаддий тарафдор бўлган капиталистик жамият edi. XXI асрга келиб, фаровонликка эришган жамиятлар ҳаётида ҳануз капитализм муҳим рол ўйнамоқда. Тюрго ва Кондорсларнинг ижтимоий тараққиётга оид қарашларида ўхшашликлар мавжуд. Бу айниқса иккала олимнинг инсон онгти ва унинг ривожланиши, мулк даҳлсизлиги ғояларида кўришимиз мумкин. Фикримизча, ривожланаётган ва қолоқ жамиятлар ҳамон ушбу ғояларнинг жамият ва давлат ҳаётида воқеликка айлантиришда қийинчиликка дуч келмоқдалар.

¹⁰Кондорсе Ж.А. Эскиз исторической картины прогресса человеческого разума. С. 227-223.